

ШАРТНОМА № 262

Лот №61250

(Валюта ресурсларининг самарали ишлатилиши ва импорт бўйича харидларни ташқи аудитдан ўтказиш тўғрисида)
(Лицензия АФ № 00773 05.04.2019 йил Молия Вазирлиги томонидан берилган)

Фаргона. ш

“12” апрель 2022 йил

Фаргона вилояти масъулияти чекланган “ТТТ-AUDIT” аудиторлик ташкилоти номидан ва унинг Низомига асосан иш юритувчи директори М.Х Ботиров (кейинги ўринларда “Иш бажарувчи” деб юритилади) бир томондан ва иккинчи томондан “Farg’ona Issiqlik Elektr Markazi” АЖ ва унинг Низомига асосан иш юритувчи корхона бошқарувчиси Хамидов Erkin Ibragimovich (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) ушбу шартномани куйидагича туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Шартномани асосий мақсади “Буюртмачи” томонидан махсус савол юзасидан тақдим этилган хужжатлар асосида аудиторлик хизмати ва бошқа хизматларни бажаришдан иборат.

1.2. “Буюртмачи”ни топширигига асосан “Иш бажарувчи” куйидаги вазифаларни амалга оширади :

а) Валюта ресурсларининг самарали ишлатилиши ва импорт бўйича харидларни ташқи аудитдан ўтказиш”га асосан

(мақсади ёзилади)

1.3. Буюртмачининг талабига биноан оралик текширувлар бўйича хисоботларни топшириб бориш, Буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан 1,5) банди бўйича бажарилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.4 Текшириш бошланиши «__» _____ 2022 йил Тугалланиши «__» _____ 2022 йил

1.5 Хизматлар қиймати 28 000 000 сўм (Йигирма саккиз миллион сўм), ККС билан

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

а) бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳамда махсус савол юзасидан ҳисобот тузиш тўғрисида ҳамда аниқланган кўрсатмалар юзасидан Иш бажарувчидан маслаҳатлар ва тавсиялар олиш .

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) иш бажарувчининг талабига кўра махсус савол юзасидан бухгалтерия ҳисоби бўйича маълумотлар, текшириш билан боғлиқ хужжатлар тўплами ва бошқа зурурий хужжатларни тақдим этиш.

б) аудиторлар ишлаши учун алоҳида хона ва зарурий материаллар билан таъминлаш

в) зарур ҳолларда моддий жавобгар шахслар ва мутахасисларни экспертиза ишларини назорат ўлчовидан ўтказишда ҳамда зарур ҳолларда иштирок этиш учун таъминлаш.

г) аудит хизмати давридаги хатоликларни бартараф этиш.

д) кўрсатилган хизмат ҳақини ушбу шартнома шартлари асосида тўлаб бориш.

2.3. Иш бажарувчининг ҳуқуқлари:

а) буюртмачининг таъсис хужжатлари, ҳисоб сиёсати ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички тартиб қоидалари билан олдиндан танишиб чиқиш.

б) махсус савол хизмати шакллари ва усулларини мустақил белгилаш.

в) буюртмачи амалга ошираётган даврдаги махсус савол билан боғлиқ хужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, ушбу хужжатлардаги мол-мулкларни мавжудлиги ҳамда ҳар қандай мажбуриятларни амалдаги ҳолатини текшириш.

г) юзага келган масалалар юзасидан моддий жавобгар шахслардан озгаки ва ёзма тушунтириш хатлари олиш ҳамда зарур бўлган қўшимча маълумотлар олиш .

д) учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни Буюртмачидан олиш.

2.4. Иш бажарувчининг мажбуриятлари:

а) буюртмачи ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш.

б) буюртмачининг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилмаслик.

г) буюртмачининг сўровларига асосан конун хужжатларини талаблари тўғрисидаги, мутахасиснинг эътирозлари асосланган конун хужжатлари нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

III. ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.

3,1 Бажарилган хизматлар юзасидан ҳисоб китоблар пул ўтказиш йули билан ўз муддатларида амалга оширилади.

3,2 Буюртмачи кўрсатилган хизмат қийматини 100 % шартнома имзолангандан кейин олдиндан Иш бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3,3 Хизматлар қиймати иш бажарувчига тўлиқ ўтказиб берилгандан сўнг аудитор ҳисоботини бир нусхада Буюртмачига тақдим этилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ .

4.1.Шартномада кўрсатилган моддаларни бажариш муддатини бузганлик учун буюртмачи иш бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорда, лекин шартнома суммасидан 50 % дан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.

4.2.Шартномада кўрсатилган муддатларда аудит ўтказишни бажармаганлик учун Иш бажарувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорда, лекин шартнома суммасидан 50 % дан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.

4.3 Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Фуқоралик Кодекси, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятнинг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади.

4.4.Зарур ҳолларда иккинчи томон келишуви билан аудиторлик хизмати ва тафтиш муддатлари узайтирилиши мумкин.

4.5.Шартнома тузилгандан сунг шартномани бир томонлама бекор қилиш, бошқа бир томонни икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилади, қайси бир томон айби билан шартнома бузилса, келишилган шартнома суммаси миқдоридан ўн фоизини айбдордан жарима ундириб олинади.

4.6.Шартнома шартларини ижро этишда Форс-Мажор вазиятлари вижудга келган тақдирда, томонлар ўзаро мажбуриятлардан озод этилади .

V. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

5.1.Шартнома бажарилиши юзасидан турли эътироз ва келишмовчиликлар дўстона хал бўлмай қолган тақдирда, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги асосида хал этилади .

VI. АНТИКОРРУПЦИОН ШАРТЛАР.

6.1. “Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши курашиш қоидаларига, шу жумладан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлайдилар; бунда ўз ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани амалга ошириш бўйича контрагентларини пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик, пора олишда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий фойда олиши, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора беришдан воз кечишларини таъминлаши керак”. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўришни қафолатлайди. Томонлар коррупцияга қарши кураш қоидалари бузилган ёки асосли шубҳа туғилганда бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (Шартномада кўрсатилган электрон почта орқали) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма тушунтириш талаб қилишга ҳақли, мурожаатни қабул қилган Томон эса 10 (ўн) иш куни ичида ўз фикрини баён этиши ёки изох бериши мумкин.

6.2. Ушбу модданинг талаблари, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф этиш, томонлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келмаган чоралар кўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани тугатишга ёки унинг бажарилишини тўхтатишга ҳақли.

6.3. Ушбу моддада назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 4-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон эса шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсация талаб қилишга ҳақли эмас.

VII. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР.

7.1. Агар нархлар ўзгарса ёки ўтказилаётган аудит даврида иш ҳажми қўшимча ошса, унда аудит хизмати тулови икки томон келишуви асосида қўшимча шартнома тузиш орқали ўзгаради.

7.2.“Иш бажарувчи” томонидан аниқланиб бартараф қилинган ва “Буюртмачи” га ушбу аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан солиқ идоралари томонидан қўлланилиши лозим булган жарима қийматидан ўн фоизи миқдоригача “Иш бажарувчи” га мукофот тариқасида тўлаши ҳам мумкин.

7.3. Агар Буюртмачи тақдим этилган аудит ҳисоботидаги тузатишларга қўшимча ҳисобот қўндирмасдан ёки ташқи фойдаланувчиларга кўрсатган тақдирда , Иш бажарувчи масъулиятдан озод этилади.

7.4.Ушбу шартнома икки нусхала тузилиб бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси эса “Иш бажарувчи“ да сақланади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХИ.

“ ИШ БАЖАРУВЧИ“

МЧЖ “ТТТ- AUDIT “

Фаргона ш, Янгиобод 5 уй

ХАБ «TRAST BANK» Фаргона фил

ХР 2020 8000 1009 2188 6001

МФО 01123 ИНН. 202 216 926

ККС код. 330050137061 ОКЭД 69202

+998 99 651-80-13

БОШ ДИРЕКТОР:

Ботиров М Х

(имзо)

“ БУЮРТМАЧИ “

Корхона “Farg’ona Issiqlik Elektr Markazi” АЖ

Манзил Фаргона ш. Саноат кучаси40

Банк Ўз ПСБ,

Х/Р 20210000700215451001

МФО 00494

ИНН 200202146

Оқонх 35 111 тел _____

КОРХОНА РАХБАРИ:

Xamidov E.I.

(имзо)